

**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ “УНИВЕРСАЛ БАНК” АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ  
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Банк Уставига асосан Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган (электрон почта манзили - [info@universalbank.uz](mailto:info@universalbank.uz), [treasury@universalbank.uz](mailto:treasury@universalbank.uz)) **Акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк”** Сизга **2019 йил 30 июнь куни соат 12-00 да Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар беради.**

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун банк акциядорлари реестри 2019 йил 4 июнь ҳолатига тузилган.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга банк акциядорлари реестри 2019 йил 25 июнь ҳолатига тузилади.

**Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:**

1. Банкнинг Санок комиссияси аъзолари шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Банк Кенгашининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банк Бошқарувининг 2018 йил фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Банкнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Банк ташқи аудиторининг 2018 йил якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Банк Тафтиш комиссиясининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Банкнинг миноритар акциядорлари қўмитаси ҳисоботини тасдиқлаш.
9. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
10. Банкнинг 2018 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш.
11. Тафтиш комиссияси таркибини сайлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
12. Банк Кенгаши таркибини сайлаш.
13. Банк Кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
14. Банк Кенгаши томонидан тайинланган банк Бошқарув раисини тасдиқлаш.
15. Банкнинг миноритар акциядорлари қўмитаси аъзоларини сайлаш.
16. Банкнинг умидсиз активларини ҳисобдан чиқариш.
17. Банк томонидан ҳомийлик ёки беғараз ёрдам кўрсатиш шартларини белгилаш ҳамда ушбу масалалар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқини банк Кенгашига бериш.
18. Эълон қилинган акциялар сонини ошириш.
19. Банк уставига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш.
20. “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида” ва “Банк кенгаши тўғрисида”ги низомларни янги таҳрирда тасдиқлаш.
21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкка нисбатан 2018 йилда қўлланилган жарималар масаласини кўриб чиқиш.
22. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш.

Йиғилиш қатнашчилари 2019 йил 30 июнь куни соат 11-00 дан 11-55 гача рўйхатга олинади. Акциядорлар ҳамда уларнинг вакиллари йиғилишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида қатнашади.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар билан Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида танишишингиз мумкин. Маълумот учун Банкнинг Ғазначилик, қимматли қоғозлар ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар департаментига мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат учун телефон: (+99873) 229 – 82 – 29, ички рақам 1073.

*Ҳурмат билан,*

**Бошқарув Раиси**

**З.Тўракулов**